

ADO LAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 10 (1022) • 2015-yil, 6-mart, juma

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровнинг дастурини қўллаб-қувватлашга чақирамиз

➤ Сайлов — 2015

ПАРТИЯМИЗ НОМЗОДИНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ

ҳудудларда тарғибот тадбирларини ўтказмоқда

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнлари кундан-кунга қизгин тус олмақда. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ошмоқда, буни жойларда уюшқоқлик билан ўтаётган сайловолди тарғибот-ташвиқот тадбирларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумки, кейинги йилларда юртимизда шакланган демократик сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари ва механизмлари такомиллаштирилди, сайлов қонунчилигимиз умумэтироф этилган халқаро норма ва принципларга тўла мос келади ва сайловларнинг демократик талаблар асосида ўтишини таъминлайди. Шунингдек, сайлов тизимида «ваколатли вакил», «ишончли вакил» каби институт амалда жорий этилиб, қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақли эканлиги, ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беришлари, тарғибот-ташвиқот фаолияти олиб боришлари белгилаб қўйилган. Айни кунларда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Мажитович Умаровнинг ишончли вакиллари ҳудудларда сайловчилар билан учрашиб, кенг тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан жойларда ўтказилаётган учрашувлари сайловларнинг очиқлик, ошқоралик ва фуқароларнинг фаоллиги остида ўтишини ўзида ифода этмоқда.



Наримон Умаров андижонлик сайловчилар билан учрашди

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровнинг андижонлик сайловчилар билан учрашуви ҳам қизгин савол-жавоблар, очик мулоқот тарзида ўтди.

Партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги мазкур учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон округ сайлов ко-

миссиясининг раиси Обокул Мирзаев бошқарди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Акбаржон Назаров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Президентликка номзод Н.Умаров учрашув қатнашчиларини ўз сайловолди дастури билан таништирди. Номзод сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, демократик қадриятларнинг

муштақамланиши ва ривожланиши, жамиятда адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигини таъминлаш унинг дастурида асосий вазифа қилиб белгиланганлигини қайд этди.

Жиддий имтиҳон олди дан

Сайлов кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатда халқ хоҳиш-иродаси эркин ифодаланишининг асосий шакли ҳисобланади. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлиши, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Демак, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш долзарблигини йўқотмайдиган масала саналади.

Ўқувчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос жиҳатларига оид батафсил маълумот бериш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, парламент Қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Людмила КОШЕЛАПОВА билан суҳбатлашдик.

Ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши депутатлар диққат марказида

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, экспертлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.



➤ Партиядошларимиз ташаббуси билан



Муқобил энергия — инновацион тараққиёт омили

Бундан бир ярим йил муқаддам халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши сессиясида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежамкорлик билан ишлатиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш муаммолари муҳокама этилганди. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг депутатлик гуруҳи томонидан кун тартибига киритилган мазкур масала қизгин мунозарага сабаб бўлган, қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилганди. Сессияда қабул қилинган қарорда бир қатор самарали чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 март ЯКШАНБА

23 кун қолди

➤ БПТ — партия таянчи

«ОЛМАЗОР»НИНГ азми қатъий аёллари

5

➤ Ёш «адолатчи»лар

ШИЖОАТ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

интилиш ва изланишлар самара беради

6

➤ VIII «BankExpo-2015»

БАНК ТИЗИМИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

7

Ҳудудий партия ташкилотларида

«Олмазор»нинг азми қатъий аёллари

➤ БПТ — партия таянчи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти ташкилотларида дастурий ғояларимизни кенг тарғиб этиш, партиянинг аҳоли ўртасида мавқеини янада ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишда ташаббускор бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ўрин тутди.

Жиззах шаҳридаги «Олмазор» МФЙ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаоллари ҳам бу борадаги партиявий ишларда фидойилик кўрсатиб, ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг маънавий-маърифий салоҳиятини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.



Шунингдек, «Энг намунали хонадон», «Қайнонам — онам, келиним — қизим», «Қари билганим ва шу орқали ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Мазкур БПТнинг туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлими, «Қамолот» ЕИХ, ИИБ билан ҳамкорликда йўлга қўйган ишлари янада самарали бўлмоқда. Бошланғич партия ташкилотининг Умида Каримова, Шахло Норбекова, Орзубуви Қобилова, Холбуви Хотамова, Бодом Тўлабоева, Икбол Абдужабборовва, Қумри Муродова, Муассар Солиева каби фаоллари репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бора-бора ишлари янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини самарали ўтказиш ва аҳолининг барча қатламларини жалб этишда жонқуярлик билан фаолият юритишмоқда.

Хусусан, «Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш», «Соғлом турмуш — фаровон ҳаёт гарови», «Қиз боланинг касби унинг бахти», «Эрта турмушнинг олдини олиш», «Хотин-қизлар жиноятчилиги ва хоризжа ноқонуний чиқишнинг олдини олиш», «Тиббий кўрик — мустаҳкам никоҳ» каби тадбирлар,

лифлар олиш тажрибасидан кенг фойдаланиши кутилган самараларни беради. Чунки улар аҳолини, ёшларни ўйлантираётган муаммолар, қизиқтираётган масалаларни янада яқиндан билади. Муаммони чуқур билиш эса ҳаётий тақлифлар ишлаб чиқишга асос бўлади.

Шунингдек, маҳалла қошида ташкил этилган Зарина Усмонова раҳбарлигидаги «Орасида қизлар давраси» тўғрисида маҳалла қизлари фаол қатнашмоқдалар. Мазкур тўғрадаги Офтобой опа ёш қизлардан мобил телефондан фойдаланиш маданияти, интернет қарамликдан сақланиш, миллий қадриятларнинг ёшлар маънавиятидаги ўрни, маърифат сабоқлари каби жами 24 йўналишдаги машғулотларда ўз маслаҳат ва кўмақларини аямаяпти.

Диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида «Энг маърифатпарвар маслаҳатчи» номинацияси ғолиби, таъкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб келмоқда, — дейди «Адолат» СДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси Фазилдин Қўлдошев. — Шунингдек, партия ўз фаолиятида кўйи бўғинлардан кўпроқ так-

➤ Фаолият

Сихат-саломатлик ҳар биримизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти ҳамда Оққўрғон туман кенгашлари, Оққўрғон тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бўлими, «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ЕИХ ҳамкорлигида ташкил этиладиган «Жисмоний тарбия барча ёшдагилар учун мустаҳкам соғлиқ гаровидир» шиори остидаги саломатлик марафонидан кўзланган мақсад ҳам инсон саломатлигини оғраб-авайлашга, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган.

Саломатлик марафони ўтказилади

Шуни айтиш жоизки, саломатлик марафони доирасида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, экспертлар иштирокидаги учрашувлар, бепул тиббий текширувлар ҳамда спорт беллашувлари турли касалликларнинг профилактикаси билан боғлиқ ишларнинг самарали бўлишига хизмат қилади.



— Мутахассисларимизнинг ақсарияти республикамизнинг етакчи клиникаларида малака ошириб, доимий тажриба алмашишмоқда, — дейди Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Бахтиёр Қосимов. — Бугунги кунда марказимизда қатор бўлимлар мавжуд бўлиб, уларда касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва даволаш учун барча имкониятлар мўҳайё қилинган.

Оққўрғон туманида апрель ойида бўлиб ўтадиган мазкур саломатлик марафонига тумандаги юзга яқин турли ёшдаги кишилар жалб этилади. Тадбир доирасида «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда унинг жойлардаги диспансерларида «Очқ эшиклар кунини» ўтказиш режалаштирилган. Ушбу тадбирларда шифо муассасасига мурожаат этганлар бепул тиббий текширувдан ўтиб, шифокор тавсиясини олиш имконига эга бўладилар.

Мутахассисларнинг фикрича, спорт билан шуғулланиш аёллар ва эркаклар учун илгари қараганда нисбатан қўлайроқ бўлиб қолди. Албатта, бунда меъёрни билиш, мақсадни ортқича эриктиришга айлантмаслик, олдин кардиолог-врач билан маслаҳатлашиб олиш лозим. Югуришда бутун организм ҳаракатга келади. Ушбу спорт тури организмда иммунитетни кўтарди, марказий нерв тизимига таъсир кўрсатиб, кишининг кайфиятини яхшилади ва одамда ишчанлик қобилиятини кучайтирди.

Этиборли жиҳати шундаки, мазкур саломатлик марафонида ёшу кекса бирдек қатнашиши назарда тутилган.

Ҳикоят ҚОЗОҚБОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Оққўрғон туман кенгаши раиси ўринбосори

Вилоят партия тизимида энг намунали кўйи ташкилотлардан бири бўлган мазкур БПТ сафларида 40 га яқин маслаҳатчиларимиз Офтобой опа Нишоновва раҳбарлигида партиянинг ёрқин ғоялари рўида ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришмоқда.

— Бошланғич ташкилот етакчиси аёлларга ҳамнафас бўлиши, уларни ҳамда хайрихоҳларимизни мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар билан ташиштириш, ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, муаммолар ечими бўйича аниқ тақлифларни илгари суриши жуда муҳим ҳисобланади, — дейди «Олмазор» МФЙ маслаҳатчиси, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати О.Нишоновва. — Айниқса, партия бошланғич ташкилотини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш кўйи бугун етакчиси катта масъулият юклайди. Шунингдек, депутат сифатида маҳалладошларнинг яшаш шароити, турмуши, қувончу ташишларидан хабардор бўлиш, ҳар бир масалага жонқуярлик билан ёндашиш, ижтимоий-иқтисодий дастурлардан келиб чиқиб ва ечимини кутаётган турли даражадаги масалаларни тааллуқлилиги кўра халқ депутатлари шаҳар ҳамда вилоят Кенгашлари сессияларида олиб чиқишни ўз вазифам, деб биланам. Жойларда электоратни қизиқтираётган масалалар,

Маслаҳатчиларимиз сафи ортмоқда

➤ «Аёллар қаноти»


Партиямиз сафларида кўпчилики ташкил этилган тиббиёт ходимлари халқимиз соғлиғини асраб-авайлаш, келажак авлоднинг соғлом камол топиши учун амалга ошириладиган кенг қамровли ишларда ҳамда бу борадаги дастурий мақсадларимизни амалга оширишда фидойилик кўрсатишмоқда. Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказининг Бухоро вилоят филиали директори сифатида ҳам бу эзгу мақсадларнинг туб мазмун-моҳиятини янада чуқур англаб, ўз фаолиятига татбиқ этилган Нодира Холова профессорлик маҳоратга, кенг дунёқараш ва билимга эга жонқуяр «адолотчи» сафдошимиздир.

— Вилоят партия кенгашининг «Аёллар қаноти» ташкилотчилигида бир қатор маҳаллалар, муассасаларда «Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш — соғлом жамият қафолати» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди, — дейди «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгашининг «Аёллар қаноти» етакчиси Нодира Холова. — Ушбу тадбирларда она ва бола саломатлигини сақлаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари нақадар муҳимлиги ҳақида мутахассислар, хотин-қизлар ва ота-оналар билан биргаликда фикрлашиб, бу борадаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тақлифлар ўрганилди. Шунингдек, «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ошириш», «Жамият тараққиётида ёшларнинг роли», «Гийёҳвандлик — аср вабоси», «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва мавқеини ошириш — жамият тараққиёти гарови», «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ёшларни асраб-авайлашнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш — соғлом генофонд қафолати» каби мавзулардаги тадбирлар аёллар ва ёшларнинг фаол иштирокида, жонли мулоқот рўида ўтказилди. Албатта, ўз-ўзининг соғлиғи ҳақида қайғуриш тиббий маданият ифодаси, болаликдан бошлаб оилада шакллантирилиши лозим бўлган

қўниқма саналади. Шу билан бирга, тарғибот тадбирларида ўзаро меҳр-оқибат туйғулари, бир-бирига ғамхўрлик кўрсатиш фазилатлари, миллий қадриятларимиз оилада, маҳалла ва ўқув муассасасида бир-бирининг соғлиғига ҳам этиборли бўлишимизда акс этиши доимо таъкидланади. Аслида бу ҳам тиббий маданиятнинг бир кўриниши, дейиш мумкин.

Партиямиз тиббиёт соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг кенг қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада ўз дастурида аниқ тақлифларни илгари сурган. Бу муҳим масъулият саналиб, биз фаоллардан амалий саъй-ҳаракатларни талаб этади. Партия ғояларига хайрихоҳликнинг кучайиши маслаҳатчилар сонини орттиришда ижобий аҳамиятга эгадир. Айни пайтда вилоятда партияимизнинг 4575 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 1500 га яқини хотин-қизлардан иборат, шундан 200 га яқини кейинги бир йил ичида сафимизга қўшилган.

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги роли ва мавқеини кучайтириш партияимиз дастуридаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. «Аёллар қаноти» фаолларининг асосий эътибори ҳам айнан шунга қаратилган бўлиб, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Савдо-саноат палатаси ва етакчи тижорат банк-



лари билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» сингари лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишдан иборатдир. Шу билан биргаликда ишбилармонлик иқтидорига эга хотин-қизларга ўз бизнесини йўлга қўйишларида партия амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Айни пайтда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси кенг қулоч ёймоқда, — дейди фаол сафдошимиз. — Аёлларнинг ўзига бўлган ишончин орттириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва тадбиркорлик жаҳасида мустаҳкам мавқега эга бўлишлари эришиш мақсадида ишлаб чиқилган бу лойиҳа ўз ижобий самараларини бермоқда. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тугган ўрни ва нуфузини ошириш, ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имко-

нияларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришга кўмаклашиш партия фаолларининг диққат марказидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, вилоятимизда хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, уларни илмий ишларга янада кенгроқ жалб этиш, инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётига татбиқ этишда фуқаролик институтлари фаолиятини жонлантиришга йўналтирилган «Аёллар — инновацион ривожланиш тарафдори» лойиҳаси, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партиянинг кадрлар захирасида Ватанга садоқатли, фидойи ва жамоатчилик орасида катта хурмат-эътибор қозонган аёллар сонини кўпайтиришга қаратилган «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи» номили лойиҳани амалиётга татбиқ этиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

«Адолат» СДП вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» фаолларининг коллежаларни битирувчи қизларни ишга жойлаштиришга қўрсатган кўмаги билан 30 нафарга яқин қизларнинг иш билан бандлиги таъминланди. Айни пайтда касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёки бу борадаги фаолиятини янада кенгайтиришга интиладиган хотин-қизларнинг партия лойиҳаларида фаол иштирок этишига доир режалар бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши матбуот котиби

Содоқат ШАМСИЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

Еш "адолатчи"лар

Келажак авлод тақдири учун қайғуриш, ҳар бир ёш замондошимизни кучли, билимдон ва етук инсон даражасида камолга етказиш ҳамда эртанги ҳаётда Ватанимиз келажаги, жамият тараққиёти ва истиқлолимизни мустақамлашнинг ҳақиқий фидойилари этиб тарбиялашга ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.



Шижоат ва қатъият билан интилиш ва изланишлар самара беради

— Эл-юртимизга астойдил хизмат қилиш мақсадида билим чўққиларини эгаллашга, фаол шахс бўлиб камолга етишга қатъий интиломдаман, — дейди "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими фаоли, Гулистон шахар 1-академик лицейи ўқувчиси Эъзоза Алимова. — Партиямиз Сайловдиди дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга катта эътибор берилиб, ёшларга жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралиши, йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида тарбиялаш гоёлари илгари сурилганлиги, хусусан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалалари ўрин олгани ёшларни асло бефарқ қолдирмайди. Инновацион тараққиёт тарафдори бўлган партиямиз ёшларга ўз қобилиятларини намойён қилишларида ҳам яқиндан кўмаклашади. Шу ўринда таълим, санъат ва адабиётга қизиқиши банд бўлган Эъзоза Алимованинг "Билмасвойнинг баҳоси" номли шеърый тўплами кичик ўқувчиларга тақдим этилганини айтиб ўтиш жоиз. Айни кунларда унинг "Оймомоннинг қирқ эртаги" номли эртақлар тўплами чоп этилиш арафасида. — Эъзозанинг матбуотда бериб борилаётган мақола ва бошқа ижод намуналарини мунтазам ўқийман, — дейди вилоят партия кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими фаоли, Зулфия номидидаги Давлат мукофоти соҳибаси Дилбар Холжигитова. — Унинг нафақат адабиётга, балки спортга ҳам қизиқиши банд. У 2012 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилган каратэнинг шотокан йўналиши бўйича вилоят би-

ринчилиги голиби, 2013 йили Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган баскетбол спорти бўйича республика турнирида жамоа таркибиди қатнашиб, фахрлий учинчи ўринни эгаллашгани ҳам бунга мисол бўла олади. 2013 йил "Ораста қизлар" республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашган, тинимсиз изланишлари, аjoyиб ютуқлари билан ўз тенгдошларига ўрналган бўлиб келатган Эъзоза Алимова Зулфия номидидаги Давлат мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича ўтказилаётган танловнинг шаҳар ва вилоят босқичида муваффақиятга эришди. Еш иқтидор соҳибасининг ташкилотчилик, ўзига нисбатан талабчанлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари таҳсинга лойиқ. У ёшлар онгини турли ёт гоёлардан асраш, мустақил дунёқарашига эга бўлиш, дунёда кечаятган сиёсий-иқтисодий воқеалардан бохабар бўлиш, спортнинг соғлом турмуш тарзидаги ўрни каби бир қанча мавзуларда ўтказилаётган партия тарғибот тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. Бундай тадбирлар партия гоёларига хайрихоҳ ва маслақдошлар сони ортини, ёшлар ўзаро фикр алмашиши, турли мавзуларда соғлом баҳс юритишларида ижобий ўрин тутди. Еш "адолатчи"лар сафида ана шундай иқтидорли ёшларнинг борлиги барча ёш партиядошларимизни ҳам янги марралар сари ундайди. Валиқон ТҮЙЧИЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси

Муқобил энергия — инновацион тараққиёт омили

Давлати, Боши 1-бетда

— Ўтган давр мобайнида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламлари бирмунча кенгайди, — дейди "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев. — Бунга, биринчи навбатда, партиямиз фаоллари, ҳудудий кенгашларимиз, бошланғич ташкилотлар катта ҳисса қўшди. Меҳнат жамоаларида, ўқув муассасалари, аҳоли истиқомат қиладиган жойлардан ҳам маърузалар, очик мулоқотлар ташкил этиш яхши анъанага айланди. Муқобил энергия тарғиботида Наманган шаҳридаги олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ҳам кенг жалб этилди. Тарғибот ишлари ўз самарасини бериб, кўпчилиқда ана шундай инновацион технологиялар ҳақида нафақат тушунча ва тасаввур уйғонди, балки улардан фойдаланиш бўйича хоҳиш-истаклар ҳам пайдо бўлди.

Наманган вилоят рўйи-асаб касаллиқлари шифохонасида маслақдош тиббиёт ходимларини бирлаштирган БПТ ҳам қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ташаббускорларидан бўлган эди. Бош врач, БПТ раиси Сайфиддин Мамадалиев ва унинг сафдошлари жонқуярлиги туфайли бу ерда қуёш сув иситкичларини ўрнатиш масаласи ўртага ташланиб, амалий ҳаракатларга киришилди. Вилоят соғлиқни сақлаш, молия бошқармалари томонидан ҳам шифохонадаги "адолатчи"ларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланди. Чунки қуёш сув иситкичларини ўрнатишнинг техник-иқтисодий асослари ҳақида сўз юритил-

"Ўзбекэнерго" ДАК билан ўзаро ҳамкорлик келишуви асосида ўтказилган "Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси" республика кўрик-танловида қатнашиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва "Ўзбекэнерго" ДАКнинг фахрий ёрлиғига сазовор бўлганди. Партиядошимиз, "Чортоқархитектурилиш" МЧЖ раиси, халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгаши депутати Абдуқарим Дўсбоев ҳам бу йўналишдаги амалий ишлари билан кўпчиликка танилган. У вилоят Кенгашининг сессиясидан кейин жамоаси бунёд этаётган бир қатор намунавий лойиҳадаги турар жой биноларини қуёш батареяси билан жиҳозлаш масалалари юзасидан ташаб-

ларини ўрнатиш режалари ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Ўтган ойда эса бу борада яна бир хайрлий янгилик барчани хушнуд этдики, у ҳақда ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Биз Поп туманидаги "Кандигон" маҳалласида ишга туширилган қуёш фотоэлектр станциясини назарда тутмоқдамиз. Ушбу фотоэлектр станцияси "Ўзбекэнерго" компанияси томонидан Жанубий Корея фотоэлектр саноати уюшмаси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Жанубий Корея Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида имзоланган ўзаро ағлашув меморандумига мувофиқ



ганда улар келтирадиган самара тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган эди. Масалан, сигими 96-146 литрлик бакка эга бўлган шундай ускуна йилига 183 кубометр табиий газни ёки 1684 киловатт-соат электр қувватини тежаш имконини беради. Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча тежаландиган маблағ турганлиги аён. Шифохонага Канада-Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонасида тайёрланган қуёш сув иситкичлари келтирилиб, ишга туширилганига икки йилдан ошди. Шундан бери кир ювиш бўлими ва ҳаммом ана шу ускуна ёрдамида иссиқ сув билан таъминланмоқда. Натигада ҳар кун ёниги-энергетика ресурсларига сарфланган лозим бўлган маблағ тежаб қолинмоқда. Энг муҳими, иссиқ сув таъминотида узиллишлар қайд этилмаётир. Дарвоқе, мазкур бошланғич партия ташаббуси ҳам 2013 йилда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан

бускорлик кўрсатди. Бу тақлиф ана шу уйланининг бўлажак соҳибларига ҳам маъқул тушди. Натигада ҳозиргача Чортоқ туманида қуёш қуввати билан ёритиладиган ўндан ортиқ уйлар қад кўтарди. Келажакда бу микдор янада кўпайиши турган гап. Яқиндан бери Наманган шаҳрида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами кенгай бошлади. Жумладан, автотранспорт гавжум чорраҳалардаги светофорларга ҳамда реклама баннерларига қуёш батарея-

қад кўтарган мазкур электр қуввати манбаида ўрнатилган Hanhwa, JSPV, S-Energy ва TopSum компаниялари ускуналари мамлакатимизнинг табиий шароитларида илк бор синновдан ўтказилди. Бу билан эса муқобил энергетикани янада ривожлантириш имкониятлари юзага келди. Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Adolat» мухбири

Суратлар: Поп туманидаги янги қуёш электр станцияси кўришчилари Р.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Экологик транспортнинг янги авлоди

Автомобилсозлик

Мамлакатимиз автосаноатининг юксалишида, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашда муносиб ўринга эга бўлган "Сам-Авто" қўшма корхонасида йигирма мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тақдимот маросимида "Isuzu Motors", "Itochu Corporation" ва "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси раҳбарлари иштирок этдилар.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қўшма корхонада тайёрланган йигирма мингинчи автомобиль сиқилган табиий газга ҳаракатланиши ва евростандартларга тўла жавоб берадиган экологик транспортнинг янги авлоди эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда тантана иштирокчиларидан — "Isuzu Motors" ижрочи президенти Таканобу Фурута ва бошқалар мамнуният билан сўз юритишди. Самарқанд автомобиль заводида амалга оширилаётган техник ва технология тақомиллаштиришлар халқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун гоятда асқотадиган сифатли автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Ҳукумат лойиҳаси асосида завод сиқилган табиий газда ишловчи мингдан зиёд чиқинди ташувчи автомобиль тайёрлашга буюртма олгани рақобат даражасидаги изланишлар самарасидир. Маз-

кур лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистондаги қатор обдонлаштириш бошқармалари ва махсус санитария тозалаш хизматлари таркибига кирувчи автокорхоналар парки янгиланади. Зоҳир ТҮРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири

«SHAD SAVDO ZAMIN»

масъулияти чекланган жамияти «Очиқ танлов» савдоларига тақлиф этади

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ғиждувон туман ҳокимининг 2015 йил 07 февралдаги 101-сонли қарорига асосан тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга «Зарангари» ҚФЙ, Абди кишлоғи хулудидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда. 1. Савдо ва маийш хизмат кўрсатиш объекти қуриш учун ҳар бири 100,0 кв.мдан иборат 2 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 535 сўм. 2. Техник хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун ҳар бири 100,0 кв.мдан иборат 2 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 535 сўм. 3. Савдо дўкон биноси қуриш учун мўлжалланган ҳар бири 250,0 кв.мдан иборат 2 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 118 838 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов голиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ғиждувон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилди. Танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт. Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларини қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (шанба, яшанбадан ташқари) бошланади ва 2015 йил 06 апрель 18:00 да тўхтатилади. Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотека-банк» Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фонд)дан кам бўлмаган миқдоридаги закатат пуллари тўлашлари шарт. Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Ғиждувон ҳокимлиги биносиди 2015 йил 08 апрель кунини соат 11:00 да очилади. 2015 йил 08 апрель кунини соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносиди танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди. Юқоридидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 08 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йил 14,21,28 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларини қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этил-

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси»

Партиядошимиз ютуғи

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши аъзолари орасида фаол ва ташаббускор хотин-қизлар кўп. Дилдора Мадаминова ана шундай партиядошларимиздан.



У 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2015» республика кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида голиблар сафидан ўрин олди. Мазкур танлов ижодкор ва изланувчан ус-тозлар учун ўзига хос синов бўлди. Унда умумтаълим мактабларининг 200 га яқин муаллимлари 11 та фан йўналиши бўйича иштирок этдилар.

Еш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларга муносиб билим беришда ўзига хос тажрибага эга бўлган, бу йўлда ижобий натижаларга эришаётган 11 нафар ўқитувчи танловнинг республика босқичида қатнашиш учун тавсия этилди. Андижон шаҳридаги 30-умумтаълим мактаби жамоаси бошланғич таълим ўқитувчиси Дилдора Мадаминова билан фахрланди. Уз касбига бўлган меҳри ва ёшлар тарбиясидек шарафли ва масъулиятли касбининг бутун сир-асрорларини пухта эгаллагани боис шундай муваффақиятга эришди. Акбаржон НАЗАРОВ, «Adolat» мухбири

Лицензия RR-0048
ЭЪЛОН
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати партиямиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг тарғибот-ташвиқот, тарқатма материалларини чоп этиш ва баннерларни тайёрлаш учун тендер эълон қилади. Мурожаат учун телефон: 288-42-09

2015 ЙИЛ 29 МАРТ, ЯКШАНБА —
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

КУЧ — АДОЛАТДА!



**Ўзбекистон
“Адолат”
социал-демократик
партиясидан номзод
Наримон Умаровга овоз беринг!**



Reklama o'rnida



➤ **Молия муассасаларида**

Банкларнинг иқтисодий қон томирига қиёсланиши беҳиз эмас. Чунки ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожини молия муассасаларининг кўмагисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис юртимизда банк тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида банкларнинг ресурс базиси тобора кенгайиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланаяпти. Қолаверса, қулай ишбилармонлик муҳити туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал суръатларда ривожланаяпти. Бу эса ушбу соҳанинг ички бозорни юқори сифатли маҳсулот ҳамда хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашида катта роль ўйнамоқда. Тадбиркорлар учун имтиёзли банк хизматлари кўрсатилаётгани тизимдаги муваффақиятларни мустаҳкамлаб, уларнинг янги-янги марраларни забт этишларига туртки бўлаётир.

Шу ўринда “Агробанк” АТБ юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этиш лозим. Хусусан, “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил 1 март ҳолатига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4,1 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилгани сўзимизни тасдиқлайди. Қувонарлиси, ушбу кредитлар ҳисобига 170 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг кундалик ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарга қўллаб-қувватлаш жорий қилинди. Қолаверса, қишлоқларда ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мунтазам молиялаштириб келинаётгани эътиборга лойиқ. Биргина жорий йилнинг 1 март ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1,4 мил-

**Мижозлар ишончи
ошиб бормоқда**



лиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мунтазам молиялаштириб келинаётгани эътиборга лойиқ. Биргина жорий йилнинг 1 март ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1,4 мил-

лиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мунтазам молиялаштириб келинаётгани эътиборга лойиқ. Биргина жорий йилнинг 1 март ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1,4 мил-

лиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мунтазам молиялаштириб келинаётгани эътиборга лойиқ. Биргина жорий йилнинг 1 март ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1,4 мил-

лиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мунтазам молиялаштириб келинаётгани эътиборга лойиқ. Биргина жорий йилнинг 1 март ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1,4 мил-

лиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам саноатнинг мураккаб технологияли тармоқлари ривожланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар “Агробанк” АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан мунтазам молиялаштириб келинаётгани эътиборга лойиқ. Биргина жорий йилнинг 1 март ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1,4 мил-

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ
Тахрир ҳайъати:
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазбир ХУҲАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖУРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МҶМИНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Саодат Содиқова
Навбатчи — Илёс Сахатов

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тасманидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300. Адади — 14133
Босишга тошириш вақти — 21.00
Босишга тошириш вақти — 21.30
Баҳаси келишилган нарха

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
1254 2021-2370
1 2 3 4 5